

# ВАТАН ШУНҚОРЛАРНИ ҚУТЛАМОҚДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



## СССР СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,  
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН \* 18 январь 1969 йил, шанба \* № 15 (14.178). ♦ Баҳоси 2 тийин.

ТАСС АХБОРОТИ

### «СОЮЗ-4» КОСМИК КЕМАСИНИНГ ПАРВОЗИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАНДИ

Космонавт-учувчилар В. А. Шаталов, А. С. Елисеев ва Е. В. Хрунов ўртоқлардан иборат экипаж бошқариб бораётган «Союз-4» космик кемаси белгиланган парвоз программасини муваффақиятли бажариб бўлганидан кейин, бугун, 1969 йил 17 январь Москва вақти билан соат 9 дан 53 минут ўтганда Совет Иттифоқи территориясининг белгиланган районинда — Қарағанда шаҳридан 40 километр ғарби-шимолда ерга қўнди.

Космонавтлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

«Союз-4» кемаси экипажи ерга туша бошлаганидан олдин экспериментал илмий аппаратларини ҳамда кино ва фотосуратга олиш материалларини тушириладиган аппаратга жойлаб қўйди. Космонавтлар ўзларини ўриндиқларга боғлаб олдилар. Кема командири кемани қўл билан ўнглаб олди ва белгиланган вақтда ерга тушиш программасини ишга соғди.

Орбитанинг ҳисоблаб қўйилган нуқтасида тормоз берувчи двигателъ ишга тушиб, белгиланган импульсни ҳосил қилди, орбита тезли-

гини камайтирди ва кема ерга тушиш траекториясига ўтди.

Тормоз берувчи двигателъ тўхтатилганидан кейин, космонавтлар билан тушириладиган аппарат орбитал бўлмадан ажралди. Туширилувчи аппарат атмосферага аэродинамик сифатдан фойдаланилган ҳолда бошқарилиб туширилди ва ерга қўнишининг ҳисоблаб қўйилган районига чиқиб олди. Шу ерда парашют системаси билан юмшоқ қўндириш двигателлари аппаратнинг ерга раво қўнишини таъминлади.

Ерда космонавтлар — В. А. Шаталов, А. С. Елисеев ва Е. В. Хруновни қидириш группасининг вакиллари, дўстлар, спорт комиссарлари, журналистлар кутиб олишди.

«Союз-4» космик кемасининг парвози муваффақиятли тугалланди.


«Союз-5» космик кемаси парвозини давом эттирмоқда. Космонавт Б. В. Волинов парвоз программасида кўзда тутилган операцияларни бажармоқда. У ўзини жуда яхши ҳис қилмоқда. Кема системалари нормал ишлаб турибди.

♦ Кеча «Союз-4» космик кемаси ва унинг экипажи В. А. Шаталов, Е. В. Хрунов, А. С. Елисеев муваффақиятли равишда ерга қўнди.

♦ «Союз-5» космик кемаси учини давом эттирмоқда.



Тадқиқотчи инженер Е. В. ХРУНОВ.



Борт инженер А. С. ЕЛИСЕЕВ.

Уратларда: чапда — «Союз-4» ва «Союз-5» кемаларининг туташтирилган пайти; унда эса космонавт А. С. Елисеевнинг «Союз-4» кемасига утаётгани тасвирланган. Телевизор экранидан олинган фото.

«ЗАРЯ»! МЕН —

«БАЙКАЛ»

УЧИНЧИМАН!

«СОЮЗ-5» КЕМАСИ  
ИЧИДАН ТЕЛЕВИЗИОН  
ЭШИТТИРИШ

«Заря! Мен — «Байкал» учинчиман. Гапимни яхши эшит-апсизми!»

«Союз-5» кемасининг командири Борис Волиновнинг ана шу сўзларидан кейин 15 январда парвоз қилган кема ичидан биринчи бевосита телевизион эшиттириш берилди.

«Заря» номи билан ишлаган космодром унинг овози яхши эшитилганлигини маълум қилди. Ердан анча йироқда парвоз қилиб юрган космонавтларни теле-томощабинлар зўр мароқ билан кузатиб турдилар.

Борис Волинов экипаж аъзолари номидан аjoyиб кемани ижод қилган олимларга, конструкторларга, ишчиларга, барча кишиларга мурожаат қилиб, уларни табриқлади ва қўтлади.

Сўнгра командир космосга чиқиб кетганини ва парвознинг биринчи босқинини экипаж аъзолари жуда яхши кечирганлигини маълум қилди; парвоз топшириқларини бажаришга киришганлигини айтиди.

Экранда борт-инженер Алексей Елисеев кўринди. У яна бир теле-камера ўрнатилган орбитал бўлмага кирган эди. Вазнсизлик ҳолатида Елисеев бўлмага «сузиб кирди» ва шу пайт телевизор энида ўтирган кишиларнинг ҳаммаси унинг ҳаракатларини кўриб турди.

Репортажни Евгений Хрунов давом эттирди. У кўча телевизион камера ёрдамида аввал Борис Волиновни, сўнгра эса Алексей Елисеевни кўрсатди.

«Союз-5» кемасидан берилган телевизион репортаж бир неча минут давом этди. У экран доирасини беҳисоб кенгайтирди, бизга космосдаги воқеаларни кўрсатди, экипаж аъзолари Ватан топшириқларини муваффақиятли бажариётганлигини кўриб имконини берди.

Соат 17 дан 48 минут ўтганда кема ичидан телевизион камералар яна ишга солинди. Космосдан иккинчи бевосита репортаж берилди.

Экранда парвознинг белгиланган программасини бажариётган Борис Волинов кўринди. Сўнгра космосдан бизга илмий тажриба билан машғул бўлган Евгений Хруновни кўриш имконини берди. У кема журналини қўлида ушлаб турар эди. Нихоят Алексей Елисеев ҳам кўзга ташланди.

Космонавтлар вазнсизлик ҳолатида қандай ҳаркят қилишга тўғри келётганлигини теле-томощабинларга кўрсатиб беришди. Кема ичидан: «бу ҳаракатлар ҳеч бир қийинчиликсиз, жуда осон, силлик бажариламоқда» деган овоз эшитилди. Кўчма телекамера ёрдамида борт-инженернинг ҳаракатлари кўриниб турди.

Нихоят кўчма камера орбитал бўлмага олиб кирилади. Бу бўлма Ернинг суний йўлдоши орбитасида ишлашга мослаштирилган — бўлма ўз экранингизга кўпиниб турган баъзи бир асбоблар билан жиҳозланган, — дейди репортаж олиб боғувчи космонавт Шу билан бевосита репортаж тугади.

«Союз-5» космик кемаси парвозини давом эттирмоқда, илмий программани бажаришни давом эттирмоқда. (ТАСС).

### ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИГА ТАБРИКЛАР

Совет космонавтлари В. А. Шаталов, Б. В. Волинов, А. С. Елисеев ва Е. В. Хрунов группа бўлиб учиб вақтда кўндалди табрикларни йўлладилар.

**АВСТРАЛИЯ ХАЛҚИГА**  
Австралия халқига эзгу тивакларимизни йўллеймиз.

**ҚАРДОШ ВЬЕТНАМ ХАЛҚИГА**  
Социализм қурилишида, Вьетнамнинг озодлиги, мустақиллиги ва бирлиги учун курашда янги-дан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

**ОСИЕ ХАЛҚЛАРИГА**  
Космосда туриб, Осиё халқларига мустақил миллий давлатлар қурилишида муваффақият қозониларини билдирамай.

зонишларини чин кўнгалдан тилаганимизни билдирамай.

**ХИТОЙ ХАЛҚИГА**  
Космосда туриб, кўп миллионли Хитой халқига ўз саломимизни йўллеймиз. Совет ва Хитой халқларининг бузилмас дўстлигига аминимиз.

**ЛАТИН АМЕРИКАСИ ХАЛҚЛАРИГА**  
Латин Америкаси халқларининг мустақиллиги ва озодлиги мустақамлаш учун, империалистлар асоратига қарши курашда муваффақият қозонишларини чин кўнгалдан истаганлигимизни билдирамай.

**АФРИКА ХАЛҚЛАРИГА**  
Африканинг эрксевар халқларини табриқлаймиз, миллий мустақиллигини мустақамлаш ва социал тараккият учун курашда янги-дан-янги муваффақиятларга эришувларини тилаймиз. (ТАСС).

**АМЕРИКА ҚУШМА ШТАТЛАРИ ХАЛҚИГА**  
Совет космик кемаларида туриб, Америка Қушма Штатлари халқига дўстона салом йўллеймиз.

**ЕВРОПА ХАЛҚЛАРИГА**  
«Союз-4» ва «Союз-5» Совет космик кемалари экипажлари номидан Европа халқларига осойишталик тилаб, тинчликни мустақамлашларини астойдил истаганлигимизни билдирамай.

### СОВЕТ ИТТИФОҚИ ХАЛҚЛАРИГА

«Союз-4» ва «Союз-5» космик кемаларидан коммунизмнинг шавқатли буюғини бўлган Улуғ Совет халқини қизғин қўтлаймиз.

Космонавтлар: ШАТАЛОВ, ВОЛИНОВ, ЕЛИСЕЕВ, ХРУНОВ.

### Социалистик мамлакатларининг халқларига

«Союз-4» ва «Союз-5» совет космик кемаларидан социалистик мамлакатларининг меҳнатқашларини қизғин қўтлаймиз. Халқларимизнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги мустақамлашнинг ва равиш топаверсин.

Космонавтлар: ШАТАЛОВ, ВОЛИНОВ, ЕЛИСЕЕВ, ХРУНОВ.

### КОСМОСДАГИ ДЎСТЛАРИМИЗГА САЛОМ

Ҳозирги кунда совет кишиларининг қалби улуг Ватанимиз учун, унинг фидокорона меҳнати билан фан ўфқларини кенгайтираётган, фан соҳасида текширилмаган йўлларни очиб берган кишилар учун фахрланиб туйғулар билан тўлиб тошган. Инки космик кеманинг парвози совет фани ва техникасининг янги муваффақиятларга эришганлигини, Ватанимизнинг иқтисодий қудратини мустақамлашиб бораётганлигини исбот қилади.

Космонавт Дўстларимиздан Б. Волиновнинг ҳам парвозини муваффақиятли тугаллаб, эсон-омон жонанон элга қайтиб келишини чин кўнгалдан тилаймиз.

Э. МАМАСОХАТОВ,  
автоколонна машина ҳайдовчиси  
Герчиш шаҳри.

### БАЛЛИ, БАҲОДИРЛАР

Улкан совет кемаси космосда. Мамлакатимизнинг мислизи ана шу янги ютуғи ҳар бир кишини қувонтирмоқда. Шу кунларда ҳар бир киши совет фанининг муваффақияти тўғрисида ва космосни мардона тадқиқ этаётган жасур ватандошларимизнинг қаҳрамонлиги тўғрисида гапирмоқда.

Халқимиз космонавтларни баҳодирлар деб атайдилар. Улар космонавтларнинг муваффақиятли парвоз қилиб, эсон-омон ерга қайтиб келишларини кутмоқдалар.

Жонкул ЮСУПОВ,  
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Пастдаргом районидан  
Карл Маркс номидаги колхознинг раиси.

### ҚОЙИЛМИЗ

Нисон завоати билан совет фани ва техникаси мислизи гадаларга эришмоқда. «Союз-4» космик кемасининг осмонга парвоз қилганлигини ва эсон-омон ерга қўнганлигини ТАСС хабарларидан эшитиб, бениҳоя қувондик. «Союз-5» парвозини муваффақиятли давом эттирмоқда.

Ерда ҳам ана шундай галабалар қўлга киритилмоқда. Ўзган йили колхозимиз гектаридан пилдан 28,7 центнер ўрнига 35 центнердан ҳосил қўтариб, давлатга 7140 тонна «оқ олтин» сотди. Конструкторларимиз яратиб берган ҳар бир терим машинаси бунжердан ўртача 132 тоннадан пахта тўқиди.

Колхозчиларимиз фазода эришилётган бениҳоя катта ютуқлардан хурсанд бўлиб, зиммаларига оширилган мажбурият олдилар. Улар бу йил 2040 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта ештириш ҳақида ваъда бердилар. Шу маъсадда кишилар агротехника тадбирлари илтимон билан амалга оширилмоқда.

Т. ҲОТАМОВ,  
Бухоро область, Свердлов номли колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.







Санъатимиз юлдузлари

# ОЛМОС ҚИРРАЛИ ИСТЕЪДОД



Раззоқ Ҳамроев! Санъатимизнинг олмос қиррали юлдузларидан бири, тилиб-тинчимас инжодкор, зукко актёр ва талабчан режиссёр, талантли сценарист ва тарихимон, меҳрибон мураббий ва ақолиб нисон номи бугун эл оғзида. Раззоқ Ҳамроев — Совет Иттифоқи халқ артисти! Узок йиллик самарали ва салмоқли ижодий меҳнат муносиб тақдирланди. Қирқ йилдан ортқ умир бахш этилган, қанча-қанча машаққатли кунлар ва тунал тинимсиз қилган меҳнат, инжод, изланиш ўз самарасини кўрсатди.

Сеvimли санъаткор сахна салтанатига кириб, ўзинга муносиб жой топувча катта ва ибратли йилни бошлаб ўтди. Интилган истиқболни кўради дегаларидек, у ўз орау-мақсади йўлидан дадил олға интилди, нијатига етди, бахтини тонди.

Шу кунларда танитилган ва талант санъаткор ёшдан дўстлари аримайди. Уйдами, шихонадами ҳаммаслар, шоғирлар, муҳлислар уни юракдан кулашади, эзгу истакларини, қалб сўзларини изҳор этгани ошқандади.

— Асли бухороликман. Бодлагим Шойирқон районидати Тезгузар қишлоғида ўтди. — деб хикоя қилди. — Р. Ҳамроев. — Отам Ҳамро Раҳмонқуллов оддий деҳқон эдилар. Отам ва нatta олам Зайнаб саводли бўлдилар. Узок кечалари оила аъзоларимиз билан кўсақ чувиб ўтиридик. Улар бўлишса галма-гал «Юсуф ва Зулайҳо», «Тоҳир ва Зухра» достонларини, жангнамоларни ўқиб беришар, бизнинг кулогимиз китобда, қўлимиз ишда бўларди. Адабиёт ва санъатга ҳавасим эрта уйғонди.

Кейинчалик Тошкентдаги ўлка ўзбек арал билим юртига ўқишга келдим. Педагоглик мутахассислиги бўйича дарслар ўтилардик. Шу ерда ташкил этилган драма тўғрарагига қатъан бошладим. Бизга Лутфулла Назруллоев раҳбарлик қиларди. Санъатга меҳрим ортаверди. Тўғрага аъзолари билан «Арслон», «Исён» каби асарларни сахналаштириб, намойиш этдик. Санъат оламига худди шу асарлар кўпирин бўлди, энди мени санъатсиз, ёхасиз яшаш мумкин эмаслигини тушундим.

Ҳа, санъат голиб чинди. Раззоқ Ҳамроев ўз тандирини санъат, сахна билан маҳкам боғлади. 1930 йили ўқишни тугатиб, Наманган шаҳрига кўчганим олды. Инкинчи босқич мактабда дарс берди, бун вақтларда драма тўғрарагига қатъанлишди. Ўзи «Меҳнат эгалари», «Баҳор тўлиқни» каби инсценировкалар ёзиб, ҳам роль ўйнади, ҳам режиссёрлик қиларди.

Раззоқ Ҳамроев 1931 йилнинг 15 июнида шаҳар партия комитетининг тавсиясига биноан 18 та ўқитувчи-санъаткор билан театр ташкил этди. Қизил ижодий меҳнат, изланишлар, репетициялар бошланди кетди. У энди ҳам режиссёр, ҳам актёр, ҳам бадий раҳбар сифатида тилим билмасди. Вирин-кетин «Хужум», «Эртон-

Талантли санъаткор инжодда катта ўрин тутган ва унга шуҳрат келтирган образлардан бири Алишер Навоийдир.

Раззоқ Ҳамроев «Алишер Навоий» фильмида ўзбек шеърининг таҳдоси Навоий родини зўр маҳорат билан ўйнаиб, ўзаси образ яратгани учун СССР Давлат мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлди. Талантли артист учун бу манзу ҳеч эсимас, доимо янги бўлиб қолаверди. Актёр театр сахнасида яна бу образга мурожаат қилди. Муҳим театри сахнасида қўйилган «Навоий Астрабада» спектаклида Раззоқ Ҳамроев яна зўр образини яратиб, янги қирраларини намойен этди.

Раззоқ Ҳамроевнинг режиссёрлик фаолияти ва актёрлик тажрибалари раит-барит ва бой. Унинг сахнада ҳам, экранда ҳам ўз овози, услуби яроққў бўлиб туради. У ўзинга хос мактаб яратган санъаткордир.

Раззоқ Ҳамроевнинг олмос қиррали истеъдод соҳиби деб атадик. Бу беиз эмас. У режиссёр, актёр, сценарист, таржимон, ешларнинг гамаҳур мураббиси ҳамдир. Р. Ҳамроев қўлаб шоғирд тайёрлаган ус-тудордир.

Раззоқ Ҳамроев ҳозир Зиннат Фатхуллоевнинг «Кумуш тўй» музикали драмасини, Ҳамид Гуломнинг «Қизил ҳангомалар» комедиясини ва қорғаллоқ адиби Т. Қанбергевнинг «Дўрааллоқ қиз» асари асосида яратилган «Жумгал» музикали драмасини сахналаштириш нијатиди. Киноартист сифатида эса «Ленфильм»да яратилган «Шулар» фильмида ота ролига тақлиф этилган. Унда ташарри «Ўзбекфильм» студиясида суратга олинатган «Тўнжаклар» фильмида Мирзақарим кутидор образини яратмоқда.

Раззоқ Ҳамроевнинг олмаси санъаткор олд. Унинг умр йўлдоши Раҳбарқо Ҳамроева йиғирма йилларди. «Ўзбекфильм» студиясида монтажи-режиссёр бўлиб ишлаб келади. Угли Жақлон Ҳамроев киноартист, Қизил Гули Ҳамроева Навоий номидида опера ва балет Катта театрининг солисти ҳамда киноартистидир. Раззоқ Ҳамроев Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты сифатида катта жамоатчилик ишларини ҳам оlib беради.

Санъат гулшанининг захмат-кашларидан бири, нодир талант эгаси, сеvimли санъаткор Раззоқ Ҳамроев ҳаётидати катта воқеа бўлган қизғин табриқлайди. Унга саломатлик, янги-янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Анвар ЮСУПОВ.



Тўйига металл конструкциялари вади коллектив Олмадиқ индия вади курлишини тезлаштиришга муносиб хисса қўиши учун курашмоқда. Суратларда (чапдан) металл конструкциялар ишлаб чиқаришини кўпайтиришда яхши натижаларга эришадиган бригадир М. Томиев, электр пайвандчи Ғ. Ким ҳамда (ўнгдан) соловчи А. Турдиев ўртоллар.

## СУЗ - ТАЖРИБАКОРЛАРГА ЯНГИ РЕЖАЛАРИМИЗ

Беш йилликнинг учинчи йилида халқ хўжалигининг барча соҳаларида ҳар йилдагидан ҳам улкан ютуқлар қўлга киритилди. Давлат омборига мулкка қишлоқ хўжалик маҳсуллари тўлиди. Бойлик ортди, фаровонлик ошди. Буни колхозимиз мисолида ҳам яроққў кўриш мумкин.

Деҳқонларимиз ўтган йил кўп машаққатлар чекишти. Табиат шижирликларини етказган зарарнинг ўрнини қисқа вақт ичида қоллаш ва ўзганинг нормал ривожланишини тезроқ таъминлаш учун тер тўкиб меҳнат қилишга туғри келди. Пахта ештиришнинг прогресс йўли суғарилди ишлаб чиқаришга кенг жорий этилди. Қураган техника қувватидан тўта ва умумил фойдаланилди. Агротехника тadbирлари бир-бирига боғлаб олиб борилди. Машиналарни пайдаланарга ҳадеб киритиварди, туپроқ зарар қилиб ташлашга, бўза туллари ортиқча илбу қилинишга, ҳашаротнинг тарқалишга, ўсимлик касалликлари ортиқча бўлишига қарши қаттиқ курашилди.

Тажрибали, ташаббускор, вадасига вафодор пахтакорларимизнинг бу меҳнати зое кетмади. Ҳамма дала-ларда пахтадан мўл хосил ештирилиди ва унинг арта муддатларда нишиб етилишига эришилди. Биз булар-тур 790 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37 центнердан хирмон кўтардик. Давлатда пландаги 2500 тонна ўртача 2920 тоннадан ортиқ «оқ олтин» сотдик. Бу — аввалги йилга теширилгандан 205 тонна зиёддир. Юсуф Маназоров бошлик бригада ҳар гектар ердан 46.57 центнердан, Абдулла Эшонқул бошлик бригада 39.7 центнердан, Ҳолмуҳамид Нормўминов бошлик бригада 40.66 центнердан хосил олди. Колхозимиздаги 12 бригаданинг ҳаммаси пахта таярлаш йиллик планини ошириб адо этди. Пахтанинг асосий қисми биринчи сортларга қабул қилинди.

Даромадимиз ҳам колхозчиларимизнинг астойдил қилган меҳнатига яраша бўлди. Хўжалигимиз бултўр фақат пахтадан бир миллион 450 минг сўм даромад кўрди. Шундан 220 минг сўм бўлимас фондга қўйилди. 755 минг сўми колхозчиларга тақсимлаб берилади. Бунда колхозчи бажарган ишининг ҳажми, сифати, унга юклатилган вазираичини мураббаблиги, ихтиёсоти, бригада топширган пахтанинг миқдори, тентаридан олинган хосилнинг паст-баданлигини ўлчиборга олинади. Шу ҳисобдан ҳар бир оддий колхозчига ўрта ҳисобдан 1656 сўм, ҳар бир теримчига мавсум давомида терган пахтаси учун натижада 1126 сўм, тракторчи-инженерларига 2026 сўм пул тешилади қилинади. Ҳозир сардоба-бимиз тўгулганга деб кўтди. Йил ичуларда даромадин тақсимлашга киришамиз. Деҳқонларимиз ўз меҳнатларидан бе-лиқча мамнун.

Пахта майдонларининг аввалги йилга нисбатан кўпур шудгор қилиб қўйилганини, ерин ханда шавида туپроқнинг маҳаллий ва минерал ўғит аравалашига тўғирлиганини, бошқа кузги-чишлик агротехника тadbирларининг пухта ўтказилганини, трактор ва барча қишлоқ хўжалик техникасининг тала ишларига арта муддатларда

тахт қилиб қўйилганлиги баҳорда юз берган об-ҳаво қийинчиликлари ортишига катта роль ўйнаганини колхозчиларимиз яхши билишад. Улар бу тажрибани янада мустаҳкамлашларини, колхозимиз шароитида сезот сулар ва чуқур жойлашган, Бинобарин, туپроқнинг устин қатламида нам жуذا оза. Шунинг учун ҳам биз ерин кузда таъмин қилар қучуқроқ қайлашқа эътибор қиламиз. Бу билан наминг юкори қатламларга қишлоқга аришамиз. Колхозимизда шудгорлаш асосан тугулланди. Тупроқ 40-42 сантиметр чуқурида ҳайдалди.

Тўғри, бу йил ёнгириқини яхши бўляпти. Лекин, бу пахтакорларини, айниқса биздаги сингари суз таникс бўлагидан хўжалиқларнинг деҳқонларини таъминлашга керак. Негаки, бизда ёз ҳаддан ташқари иссиқ бўлади. Гармсел тез-тез бўлиб туради. Агар қор ва ёғир суви билан кириваланиб, пахта майдонларига қишда яхоб берилмаса, ёзда бўза сувизалиқдан чангаб қоллик — мумкин. Чунки, ёнгириқлик натижаида тўлганган оз нам баҳордаёқ бўлулган кетади. Шунга қўра, биз ўз тажрибамизга асосан бу йил ҳам қишда яхоб берамиз. Бу тadbирни қор эрий бошлагани билан ўтказиш учун тайбергариқ кўриляпти. Сувинг тупроққа яхши сингиришга, пайкаларини текис намлашга аришиш мақсадида сув кент олинган чуқур эгалар орқали таралади. Бу бизга қўзани аича қантароб суғориш, сувдан тежаб-тежаб фойдаланиш имконини беради.

Биз чингит ақиқата март ойи охирларида ва апрелнинг бошларида киришамиз. Бу ишга олдиндан пухта тайбергариқ қўриб қўйилган таъдирдагина яхши намланишини муваффақиятли ўтказиш мумкин. Шунини ҳисобга олиб биз аввало техникани тайёрлашга алоҳида аҳамият беришми. Биринчи навбатда ер текислайтишга арегатлар, шудгорни юмшатадиган машиналар ремонтдан чикарилади. Ерларни боруна-лаш ва тебилашга узогги билан март ойи бошларида киришамиз. Тадаб қилинган дала-лар икки марта чуқур юмшатилади. Буни колхознинг агрономларга аниқлаб беришди. Экин ўн ич кунда тамома-нади. Ҳамма майдонларга чингит изадрат-уялаб экилади. Ҳозир экин экишга аъзолари танламмоқда. Улар қисқа муддатли курсларда ўқитилади. Бу йил ҳар йилдагидан кўпроқ экинажлар ишляди. Уларга уста механикаторлар бошчилиқ қилинади.

Дала-ларимизнинг тупроқ шароити маҳаллий ўғитни, айлиқса қўй қий ва гўнни кўпроқ талаб қилади. Бу талаб бизда дом назар-эътиборга олиб елиништи. Кузда шудгор қилинган пахта майдонларининг ҳар гектарига 6-7 тоннадан гўн мавлум миқдордаги суперфосфатга арадаштирилиб 12-15 сантиметр чуқурида солинди. Бу тadbирни ўтказишга улгурмаган участкалар баҳорда ерин юмшатиш ва чингит экин вақтида ўқитиланади. Гўза инкинчи чинабгар чиқарган пайда экин озиқлантирилади. Лекин тупроқ қачон ўқитилишидан ва гўза қайси даврда озиқлантирилишидан қатъи назар, бу ишларда фақат чиритилган

**У. УМАРОВ,**  
Қашқадарь областы, Чирчиқ районидаги «Москва» колхозининг раиси.

## ФЕВРАЛЬ ҲИСОБИГА

Пойтахтимизнинг Ҳамза району-да баланд бинолар, кўрмда хиб, бонлар, асфалт кўчалар кўп. Эндиликда райони улан қурилишларига тасавуур этиб бўламиз. Яқиндагина 4-ўй-жой шаҳарчасида мукташа мифе, ички уй-жой биноси қад кўтарди. Чиллоқ мон-ли авиация заводининг қўли гўл биноярлари 4-ўй-жой шаҳарча-сининг қарийб тенг яқини кўришди. Бу ерда завод биноярларидан ташқари «Ташгасантех-монтаж» трести курувчилари ҳам тер тўймоқда.


Шаҳарчининг марказий қисми-да курилиш амёнда. Бу ерда 500 ўринли касалхона тикланяпти. Ҳозир бош корпусининг 3-қавати, кўшимча корпусининг тўртинчи қавати битказилди. Курилиш участкаси бошлиги А. Қалинин шундай дейди:

— Бинони доқимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йилли-гига тўйна этамиз. Участкида тажрибали биноярлар кўп. Ленин ордени бинояр Мустафо Содиков, комплекс бригада бош-лиги Арслон Нўлдошбоев, В. Ка-минояр билан биргаликда Нарзулла Рузичулов, Ҳамидулла Рамазонов сингари бш бунёдкорларимиз ҳам пешқадамлик қилиш-япти. Курувчиларимиз январь ойи планий бажариб, февраль ҳисо-бига ленинча меҳнат вақтисида туриб фидоорча меҳнат қилиш-япти.

**З. ҲАСАНОВ.**

## ЗАФАР САТРАРИ

Партиямиз Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш ва улуг доқий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб меҳнат соғалари билан кўтиб олиш учун курашадиган Хатирчи рай-онининг қорвадорлари давлатда гўшт сотиш биринчи наватал планки муддатидан илгари ба-



Хоразм областининг муҳалиқларида мўл ҳосилнинг асо-сий гаровларидан бири бўлган ерларнинг шўрнин ювиш қизгин давом этапти. Суратда: Гулла районидида Навоий номли колхозда шўр Р. Жуманиёзов фотоси.

## ТАЖРИБАМИЗ ЯНАДА ОРТДИ

От қўйилган ченадек судра-либ, беланчақ кеби оҳиста теб-раниб бораётган троллейбус бир инки силкинидо тўхтади. Қаттиқ совуқдан дереза ойналарини муз қоплаган. Атфрорини кўриб бўлмади. Мотор кучли-роқ гуриллай бошлади. Афтидан галдираклар мармардек ялтараб этган муз устида ай-ланса ҳам ишқаланиш камилга-дан олдинга силижимасди. Эшик очилди. Қўлида пақир тутган шофер йилит машинадан тушиб, йўлга чаққонлик билан қум севти-да, яна бошқаришга уринди. Энди аста ҳаранатга келган троллейбус ўз ўриндан қўзғол-ди ва олдинга интили кетди.

— Ҳа, осон бўлмади. Қўтил-ганда мўл-кўл ёвқан қор, унинг устига аичиқ совуқ авала-лига биз транспорт ҳодимлари-ни ҳам шошириб қўйди. — деб хикоя қилади шаҳар трамвай троллейбус бошқармаси бошли-ги ердмчиси М. Вазиев. — Лекин биз тезорлик билан иш-га киришдик. Транспорт қатно-ви бетўзтов бўлиши, ҳара-катлар графикадан чиқиб кет-маслиги учун барча тadbир ва чораларни ишга солдик. Қор ёғиб чиққан кўздан бошлаб тўртта махсус кор тозаловчи вагонларни йўлга қўйдик. Юз айлиқдан эилд ишчи-хизматчи-ларимиз энг қийин участкалар-

да — трамвай йилари туташган ва қўйилган ерларда, автомат стрелкаси ўрнатилган жойларда сидриқилдан меҳнат қилдилар. Гиддиракларнинг равои айлани-шини муз қоплаган. Тўғри бежари-лишини учун ҳаранатдаги ҳар бир транспорт қўшимча туз ва қум билан таъминланди. Уларни бошқарувчилари эса алоҳида иш режимида ўтказил-ди. Сифатли ремонт ишларини амалга оширадиган техник ва слесарь ходимларимиз туғни иш вақтида бепул иссиқ оқват билан таъминлаб турилди. Кун-лар анчайин исиб қолган ҳозир-га кунларда ҳар ерга тўп-лаб қўйилган қорларни шаҳар че-тига ташиб билан шўгуллаш-моқдамиз. Бунинг учун 75 ички кучи ва ўк юк машинаси-ни маълб қиламиз.

**Ҳ. НОСИРОВ.**



